



ДИЛ - БА ЁР-У, ДАСТ - БА КОР

(Кўнгил Аллоҳда бўлсин-у, кўл - ишда)

НАҚШБАНДИЯ

Илмий-ирфоний, адабий-маърифий уч ойлик журнал

2024 йил, №1 (21)

Ичда доим ошно бўл, ташда тут бегонадек.
Бу каби зебо равши кам топилур дунёда ҳам.

Баҳоуддин НАҚШБАНД

www.naqshband.uz

ISSN 2010-7676

10 - сахифа 7 пир ким эди?

47 - сахифа Бухоронинг Санкт-Петербургдаги масжиди

67 - сахифа Туркияда Фиждувонийга бағишланган анжуман

Дил – ба ёр-у, даст – ба кор

(Күнгил Аллохда бўлсин-у, кўл – ишда)



Накъиданция

Илмий-ирфоний, адабий-маърифий уч ойлик журнал

2024 йил, №1 (21)

Нақшбандия

Илмий-иерфоний, адабий-маърифий уч ойлик журнал

Муассис:

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2008 йил 19 июлида 0538 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир:

Султонмурод ОЛИМ,

филология фанлари доктори

Бош муҳаррир ўринбосари:

Комилжон РАҲИМОВ,

тарих фанлари доктори, доцент

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Эркин МАЖИДОВ – Бухоро вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари.

Фармон АМИНОВ – Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази раиси, тарих фанлари номзоди, доцент.

Ғафуржон РАЗЗОҚОВ – Баҳоуддин Нақшбанд жоме масжиди имом-хатиби, Мир Араб олий мадрасаси мударриси.

Жобир ЭЛОВ – Бухоро вилояти бош имом-хатиби, Мир Араб олий мадрасаси ректори.

Жалолиддин САБУРОВ – Мир Араб мадрасаси мудири.

Мирзо КЕНЖАБЕК – Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази бўлими мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

Эргаш ОЧИЛОВ – Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори инситути катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

Сайфиддин САЙФУЛЛОХ – Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори инситути катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

Ҳалим ТЎРАЕВ – Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори.

Шодмон СУЛАЙМОНОВ – “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарининг бош муҳаррири, филология фанлари номзоди, доцент.

Насруллоҳ ШУКРУЛЛОЕВ – Бухоро давлат университети доценти, педагогика фанлари номзоди.

Журналдан кўчириб босилганда
манба қайд этилиши – шарт.

Манзилимиз:

200708, Бухоро вилояти, Когон тумани, Қасри Орифон қишлоғи,
Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази.

Тел.: +99890 744-76-15

<http://www.naqshband.uz>

e-mail: smo54@mail.ru

2024 йил, №1 (21)

МУНДАРИЖА

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Бухоро – нега шариф? 3

ТАСАВВУФШУНОСЛИК

Ғафуржон РАЗЗОҚОВ, Султонмурод ОЛИМ,
Комилжон РАҲИМОВ

Етти пир ким эди? 10

Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний ҳақида ўн ҳақиқат.. 24

Хожа Ориф Ревгари ҳақида ўн ҳақиқат 25

БУХОРО ШАҲРИ – “ИСЛОМ ОЛАМИ

МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар НАРШАХИЙ

Бухоро тарихи (Китобдан лавҳалар) 26

Манбаларда Бухоро васфи 33

Ҳалим ТЎРАЕВ

Бухоро – маърифат ўчоги 39

Жобир ЭЛОВ

Шариф шаҳарнинг баланд мақоми 45

МАЪРИФАТ МАНЗИЛЛАРИ

Ислам НАИМОВ

Бухоронинг Санкт-Петербургдаги масжиди 49

БУХОРИЙЛАР БЎСТОНИ

Ғафуржон ЭШМАНОВ

Мужрим – Обиднинг ҳаёти ва бадиий маҳорати 56

“Дахмайи Беҳиштиён” мажмуаси тўғрисида 62

СЎЗДА СЕҲР – БОР, ШЕЪРДА ЭСА – ҲИКМАТ

Тилак ЖҮРА

Шеърлар 65

АҲБОРОТ

Эркин ЁДГОРОВ

Туркияда Фиждувонийга бағишлиланган анжуман 67

Журналнинг ушбу сони Ўзбекистон Республикаси
Дин ишлари бўйича қўмитаси 2024 йил 6 майидаги
02-07/2632-сонли хulosasi асосида нашр этилди.

Босишига 2024 йил 8 майда руҳсат этилди. Бичими 60x84 1/8.
Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоби 7,90.

Адади: 1000 нусха. Буюртма рақами: 1642.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Янгишаҳар кўчаси, 1а-үй.

Маърифат манзиллари

БУХОРОНИНГ САНКТ-ПЕТЕРБУРГДАГИ МАСЖИДИ

(Бадиа)

Исмат НАИМОВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,
Бухоро давлат университети доценти

В статье доцента кафедры «Археология и история Бухары» БухГУ Исмата Наимова, опубликованной в рубрике «Адреса просветительства», подробно освещена история мечети, возведенной в Санкт-Петербурге Бухарским эмиром.

The history of the mosque built in St. Petersburg by the Bukhara Emirate is described in detail in the article published under the rubric “Destinations of enlightenment” by Ismat Naimov, Associate Professor of the Department of “Archeology and History of Bukhara” of Bukhara State University.

Раҳматлик журналист ва ёзувчи Нусратишло Наимов вафотидан бир неча йил олдин буюк ҳамюртимиз Аҳмад Донишнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида маълумотлар йиғди. 2008 йилнинг июнь-июль ойларида Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларига ижодий сафарда бўлиб қайтди. Сафардан мақсад Аҳмад Донишнинг фаолияти тўғрисида Россиядаги манбалардан маълумот топшиш эди. Кўйида мазкур сафар якунида тўпланган маълумотлар асосида ёзилган эссени эътиборингизга ҳавола этамиз.

Аҳмад Дониш 1869 йил кузида Бухоро элчилигининг таркибида котиб сифатида Санкт-Петербургга сафар қилди. Бунга рус подшосининг қизини турмушга чиқариши

сабабчи бўлди. Аммо, Бухоро – Россия савдо-саноат алоқаларини ривожлантириш ниятида музокаралар олиб бориш ҳам кўзда тутилган эди.



Амир Музаффархоннинг фармойиши билан Бухоро элчилари келин-куёвларга аталган кўпдан кўп совғалар билан рус пойтахти сари сафарга чиқишиди. Музаффархон рус подшосига элчилар билан юбораётган мактубида ўғли Абдулаҳад тўрани саройига олиб, рус муаллимларидан таълим олишга руҳсат берини ҳам сўраган эди. Бухоро элчилари делегациясига Абулқосимбий раҳбарликка тайинланди. Делегация таркибида хукмдорнинг ўғли Мирсаййид Абдулфаттоҳ ва қариб қолган амакиси ҳам бор эдилар. Улар 18 октябрда почта кареталарида Оренбургга етиб келиб, бир неча кун дам олгач, поездда рус пойтахти сари жўнаб кетишиди.

Рус маъмурлари бухоролик меҳмонларни октябр ойининг сўнгги кунларидан бирида Санкт-Петербургнинг Николаев темир йўл вокзалида тантана билан кутиб олиб, Нева дарёси бўйидаги хорижий элчиҳоналар қаторидаги муҳташам меҳмонхоналарнинг биридан саккизта хонани ажратишиди. Кўп ўтмай ташқи ишлар вазирлигининг шарқ департаментидан Козимбек исмли хушсурат, келишган қоматли кавказлик форс йигити келиб, ўзининг тилмоч сифатида департамент томонидан уларга биркитилганилигини маълум қилди.

Бу воқеани Аҳмад Дониш ўзининг “Бухородан Петербургга сафар” хотираларида шундай эслайди:

“Козимбек араб ёзувида чироили ҳуснинатга эга бўлган йигит эди. Шу боис дўстлашиб қолдик. Кунларнинг бирида у яқинда Петербургга мен каби шоиртабиат Кошгар элчиси келиб-кетганлигини маълум қилди.

– Ўшанда мен унга Петербургни таърифлаб бир неча мисра байт ёзишини таклиф қилдим. У рози бўлди. Мен у ёзган байтларни рус тилига таржисма қилиб, подшоҳ ҳазратларига етказдим. Жаноби олийларига байтлар жуда маъқул тушиб, кошгарлик элчининг барча муаммоларини

ҳал қилиб берди. Мен Сизга ҳам келин-куёв тўғрисида байт битишни таклиф қиласман. Бу келгусида олиб борадиган музокараларнингизга ёрдам беради. Подио қизининг исми Мария, куёв эса Англия қироличаси Викториянинг ўғли бўлиб, исми Альфред.

Шундан кейин мен тўққиз байт ёзиб, уларнинг ҳар бир мисрасини келин ва куёв исмидан бир ҳарф билан мувашшаҳ тарзида бошлидим ва уларнинг никоҳ санасини ҳам байтлар мазмунига киритдим. Козимбек байтларни дарров рус тилига таржисма қилиб, Осиё департаменти бошлиги Стремоухов жаноблари орқали рус подшосига етказди.

Байтлар жаноби олийларига жуда маъқул тушиб, у дарҳол муаллифга унинг номидан ўттиз тўртта олмостош билан безатилган, вазни уч мисқоллик тиљла узукни тақдим этиши ва уни тўй тантаналарига тақлиф этишига фармойиши берипти.

Қишики саройда бўлиб ўтган тўй тантаналарига элчи билан бордик. Саройга мулозимлари билан кириб келган император менинг ёнимга яқинлашиб, мулозимат билан саломлашди.

– Мен Сиз ёзган байтларни мароқ билан ўқидим, – деди у. – Улар жуда чуқур мазмунга эга. Афсуски, бизлар тилингизни билмаймиз, шунинг учун байтларнинг бадиши қийматини англай олмаймиз!

– Сўзлар мазмуннинг ифодаси, – деб жавоб бердим мен, – Агар тилимиз гўзал бўлмаса, мазмун чуқур бўлармиди!

– Менга Сизни билимдон, икки-ёхуд уч маротаба ўлкамизда узоқ муддат бўлган киши сифатида таърифлашди, – давом этди подшоҳ. – Ундан бўлса нима учун тилимизни ўрганмадингиз?

– Ҳар гал юртингизга келганимда, менинг кечакундуз шаҳар бўйлаб айлантиришишади, театрлар, корхоналарга олиб боришади. Мен бу тамошалар билан овора бўлиб, алифбонгизни ўрганишига вақтим бўлмайди. Балким бу сўнгги марта пойтахтингизга

келишим, деб ўйлаб бошқа бундай гаройиботларни кўра олмаслигимдан доимо таҳлика дадаман!

— Сиз учун пойтахтимизнинг дарвозалари доимо очик, — деди жавобдан мамнун бўлган подшоҳ ва ёнидаги ташқи ишлар вазири Горчаковга элчиликнинг барча масалаларини ижобий ҳал қилишини буюриб, биздан узоқлашиди. Шундан кейинги тантаналарда бизларга подшоҳ билан ёнма-ён курсилардан жой беришди. Донишнинг эсласича, ўшандан кейин подшоҳ кўчакуйда ёхуд қайси дир маросимда у билан рўпара келса, албатта, саломлашиб, ҳолаҳвол сўрашар экан”.

Айнан мана шу подшоҳ даврида Россия империяси чегаралари кескин кенгайиб, у Туркия билан урушда ғалаба қозонди ва Болқон мамлакатларини ўз тасарруфига киритди. Туркистонни забт этиб, Каттақўрғонгача барча ҳудудларни босиб олди ҳамда алоҳида губерния сифатида салтанатига қўшди. Бундай аҳволни кўриб Буюк Британия ҳукумати ўша вақтларда унинг қарами бўлган Ҳиндистонга Россия тажовузининг олдини олиш мақсадида рус ҳукумати билан музокараларни бошлади. Мазкур музокаралар натижасида икки буюк мамлакатнинг мустамлака ҳудудлари ўртасида ўзига хос даҳлсиз минтақа сифатида Бухоро амирлигини танлади. Иккала томон Бухоро амирлигига тажовуз қилмаслик тўғрисида келишиб олишди. Мазкур шартномани қариндош-уругчилик билан мустаҳкамлаш мақсадида инглиз шаҳзодаси рус маликасига ўйланадиган бўлди. Рус императори эса тўйга Бухоро элчиларини таклиф қилиб, уларга алоҳида мулозамат кўрсатишига қарор қилди. Чунки, энди у Бухоро амирлиги ҳудудини босиб ололмас, аммо, ўзига мутеъ қилиб сақлаши мумкин эди. Бунинг учун олдин бир қатор имтиёзлар билан бухороликларнинг оғзини ширин қилиш, кейин эса аста-секинлик билан жиловни қўлга олиш керак эди.

Тўй тантаналаридан кейин икки давлат вакиллари ўртасида музокаралар бошланди. Бухоролик элчилар рус маъмурларидан йирик шаҳарлардаги савдо ярмаркаларидан уларнинг тижоратчилари учун дўконлар сонини кўпайтириш, уларга рус фуқаролари ҳукуқларини бериб, божхона тўловларини пасайтириш, яна бир қатор имтиёзли шароитлар яратиш масалаларини қўйишиди.

— Яна бир муаммо бор, — деди пировардиди Аҳмад Дониш, — мана, мен элчиликнинг нафақат котиби, балким сафардаги имом-хатиби ҳам ҳисобланаман. Аммо пойтахтингизда масжид бўлмагани учун намозни меҳмонхонада жамоа бўлиб ўқишига мажбурмиз. Ваҳлонки, шаҳрингизга мусулмон мамлакатларидан юзлаб меҳмонлар ва тижоратчилар келиб, тоат-ибодатларини рисолага яраша бажара олмаяптилар. Қолаверса, шаҳарда мусулмон динига мансуб кавказликлар, татар фуқаролари ҳам оз эмас. Улар учун масжид қурилса, айни муддао бўлур эди.

Музокараларда қатнашаётган Россия ташқи ишлар вазири князь Горчаков рус ҳукумати барча масалаларни ижобий ҳал қилишига ишонтириди. Абдулаҳад тўра подшо саройидаги кадетлар корпусига ўқишига қабул қилиниши учун тахт вориси сифатида Санкт-Петербургга келиб, рус подшоси билан шахсан мулоқотга кириши лозимлигини қайд этди. Масжид қурилиши масаласини эса император олий ҳазратларига етказишига ваъда берди.

Аҳмад Донишнинг рус маъмурлари билан музокараларда ташаббусни ўз қўлига олгани, оқпошонинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлгани элчи Абулқосимбийнинг нафсониятига тегди. У тўнини тескари кийиб олиб, Аҳмад Донишнинг пойтахтдаги театрларга бориши, тараққий парвар рус зиёлилари билан мулоқотларига монелик қила бошлади. Элчи Россияда изғирин қиши бошланаётганлигига қарамай баҳоргача кутиб ўтирмаи Бухорога тез қайтишини талаб қилди. Улар рус пойтахтида бир ярим ой туриб, ноилож йўлга чиқишиди.

Хали Россиядан Туркистонга темир йўли ўтказилмаган эди. Оренбургдан яна почта кареталарига ўтириб ҳаракат қилган элчилар йўлда изгирин совуқларга бардош беролмай оғир хасталаниб, бир неча ой рус шаҳарларининг биридаги шифохонада ётиб қолишиди ва айни баҳор палласида Бухорага етиб келишиди.

Абулқосимбий Музаффархоннинг хузурига кириб, Мирзо Аҳмаднинг қилмишларидан шикоят қилди. Унинг рус пойтахтида давлат думаси йигилишларига боргани, театрма-театр, музейма-музей, корхонама-корхона кезгани, музокараларда бўлмагур таклифлар билан чиққанлигини оқизмай-томизмай етказди.

Бундан дарғазаб бўлган Музаффархон Мирзо Аҳмадни дарҳол хузурига олиб келишни буюрди. Лекин, у сафар тафсилотларини баён қилганидан кейин ҳаракатларида ишкал тополмай, аксинча маъкуллади. Дониш ҳам фурсатдан фойдаланиб рус императори унга тақдим қилган олмос тошли тилла узукни хазинага кирим қилиш учун унга топшириди. Совға ҳукмдорга мойдек ёкиб, унга “Ўроқ” унвонини берди ва салтанатида кўнгли истаган лавозимни танлашни таклиф қилди.

— Менга китобдорлик вазифасини беришингиз – кифоя, – дея миннатдорчилигини билдириди Мирзо Аҳмад чуқур таъзим билан. — Айни маҳалда Россияга қилган сафарларим асосида салтанатингизда ислоҳотлар ўтказиш бўйича таклифларимни қогозга туширмоқдаман. Улар жсаноби олийларига маъқул тушади, деган умиддаман.

Аҳмад Дониш бир неча ой мобайнида қаттиқ меҳнат қилиб, “Рисола дар назми тамаддун ва таовун”, номли асар яратди, унда рус давлатидан нусха олиб, амирлиқдаги бошқарув тизимини демократик тамойиллар асосида қайта қуриш бўйича ўз таклифларини баён қилди. Кейинчалик бу рисола унинг машхур “Наводир ул-вақое” китобига

алоҳида бўлим бўлиб кирди. Лекин, асар билан танишиб чиққан Музаффархоннинг тепа сочи тикка бўлди. Доңиш рисоласида адолатли амир масаласини қўйиб, амалда уни мутлақ ҳукмдор мавқеидан маҳрум қилиш, аркони давлатни қандайдир оқсоқоллар кенгашига топширишни таклиф қилмоқда эди.

— Мен Мирзо Аҳмадни Россияга юборсам, у қайтиб келиб менга салтанатимни қандай бошқаришим кераклиги ҳақида ақл ўргатаянти, – деди у хузурида бўлиб ўтган кенгашларнинг бирида қуюқ қошларини чимириб. — Энди у Россияга бошқа бормайди!

Шундан кейин Музаффархон Аҳмад Доңишини китобдор вазифасидан четлаштириб, Фузор туманига қози қилиб жўнатди. У айни вақтгача Доңишининг саройида хизмат қилишига унинг мунажжимлик санъати туфайли чидаб юрган эди. Ҳар гал мамлакатда мураккаб вазият вужудга келганида ҳукмдор унга мурожаат қилар ва сайёralарнинг ўзаро мувозанат даражасига қараб доно маслаҳатлар олар эди. Аммо унинг сўнгти таклифлари ҳукмдорнинг сабр косасини тўлдирган эди.

Кўп ўтмай Абдулаҳадхон тўрани рус подшоси билан мулоқотга кириш учун Россия сафарига тайёрлай бошладилар. Тўранинг сафарига шахсан Остонақул қушбеги, ҳарбий вазир Исимиддин тўқсабо ҳамроҳлик қилишиди.

Абдулаҳадхон таҳт вориси сифатида барча ваколатларни отасидан олиб Петербургга бормоқда эди. Тўра қушбеги ва ҳарбий вазир билан бирга рус императори қабулида бўлиб, кадетлар корпусига ўқишига қабул қилиниши масаласи ижобий ҳал бўлганидан кейин ташқи ишлар вазирлигида Россиянинг Бухоро амирлиги билан ҳамкорлик шартномаси тайёрланиб, ҳали ташқи сиёсатда ғўр Абдулаҳад тўрага маъқуллатилди. Император олий ҳазратларининг ўзи кўпчилик хорижий элчилар ҳозир бўлган нуфузли бир

йиғилишдә йигирма бир банддан иборат бу шартномани Абдулаҳад тўрага имзолатиб, шахсий муҳрини бостирди. Бу шартномада Бухоро амирлиги ҳудуди бўйлаб Россия билан темир йўл ва телеграф алоқасини ўтказиш, рус тижоратчиларига амирликдаги ҳайдов ерлари ва боғларни, биноларни сотиб олиш ҳуқуқини бериш, рус савдогарлари ва ҳарбийлари тоат-ибодати учун черков қуриш ва яна кўпдан-кўп имтиёзлар назарда тутилди. Мазкур шартнома туфайли Бухоро амири оқпошонинг узил-кесил қарамига айланди.

Элчилар Бухорога қайтганларидан кейин тузилган шартнома билан танишган Музаффархон буни англаб, алам билан бошини чангллади, ғазабдан бир неча кун Абдулаҳад тўрани ҳузурига киритмади. Агар Аҳмад Дониш элчилик таркибида бўлганида бундай шартнома тузилишига йўл қўймас эди. Афсуски Музаффархон Донишнинг қадрига етмади, хатосини кеч англади.

Хўш, Аҳмад Донишнинг таклифи билан Петербургда қурилиши лозим бўлган масжид масаласи нима бўлди? Шартномада бу нарса ҳам назарга тутилган бўлса-да, қурилишга қачон киришилиши номаълум эди. Абдулаҳадхон бир неча йил мобайнида император олий ҳазратлари саройи ҳузуридаги кадетлар корпусида таълим олди, ўқиши тутатиб Бухорога қайтганидан кейин кўп ўтмай Музаффархон рихлатга кетиб, таҳт унга насиб қилди.

Абдулаҳадхон ҳукмронлиги йилларида Россия Бухоро амирлигидаги мавқеини батамом мустаҳкамлаб, уни қўғирчоғига айлантириб бўлган эди. Руслар бу вақтга келиб Туркистонга борадиган темир йўлни “Буюк пахта йўли” деб аташган ва истаганча бойликларни ўлқадан арzon-гаров олиб кетишишмоқда эди. Александр II нинг тавсияси билан Абдулаҳадхон ўғли Мир Олим тўрани ҳам кадетлар корпусига ўқишига юборди. У бир неча йил бу ерда рус императорининг ўғли Николай Александрович билан бирга таҳсил кўрди.

1881 йилда Александр II сиқасд натижасида ҳалок бўлиб, таҳтга ўғли Николай Александрович ўтириди. Бу ҳол Россия-Бухоро алоқаларини янада мустаҳкамлаб, амирлик амалда рус империясининг норасмий бир ҳудудига айланниб қолган эди.

Мана шундай бир вазиятда Абдулаҳадхон Петербургдаги масжид қурилишини эслаб қолиб, Николай Александрович олий ҳазратларига мурожаат қилди. Император унга рус пойтахтининг истаган жойидан масжид учун ер майдони сотиб олишга руҳсат берди. Бухоро ҳукмдорининг вакиллари бир неча йил мобайнида Санкт-Петербургнинг марказидан масжид учун қулай жой изладилар. 1907 йилнинг кузида Абдуладхон Бухоро хазинаси ҳисобидан 312 минг рус рублини тўлаб, Санкт-Петербургнинг қоқ марказидан муҳандис И.Долоцкийнинг хусусий мулки бўлган катта ёғоч уйни атрофидаги ер майдони билан сотиб олди.

Таниқли олим ва ёзувчи, рус мусулмонларининг “Нур” газетаси бош муҳаррири А. Боязитов ташабbusи ва рус императорининг қўллаб-қувватлаши билан Санкт-Петербургдаги мусулмон жамоаси таркибидан масжид қурилишини бошқариш қўмитаси тузилди. Унинг таркибига петербурглик энг фаол 20 мусулмон киритилиб, қўмитага полковник Давлетшин раҳбар этиб сайланди. Унинг ташабbusи билан рус меъморлари ўртасида мусулмон масжидининг энг яхши лойиҳаси учун катта танлов ўтказилди. Танлов шартларига биноан лойиҳа шарқона услубда тузилиши, бинони ташқи безаш учун фақат мармар тошлардан фойдаланиш, масжидда албатта гумбаз ва камида иккита минора бўлиши, меҳроб қиблага қараб жойлаштирилиши, масжиднинг ички кўринишини безаща биронта тирик жонзоротнинг расми бўлмаслиги назарда тутилди.

Танловда жуда кўп таниқли рус меъморлари иштирок этиб, унинг

натижалари 1908 йил 11 марта яқунланди. Танловда қирқ бешта лойиҳа кўриб чиқилиб, таниқли рус меъморлари Н. В. Васильев, М. С. Лялевич, М. М. Перетятков муаллифи бўлган лойиҳалар ғолиб, деб топилди. Уларнинг ҳар бирига 3000 рублдан мукофот берилди, қурилиш учун эса асос қилиб, Н. В. Васильев лойиҳаси олинди.

Мазкур лойиҳага биноан масжид биноси гранит тошларидан барпо қилиниши, деворлари ва гумбазлари эса шарқона услубда сирли кошинлар билан қопланиши лозим эди. Шу мақсадда рассом П. М. Максимов Самарқанд ва Бухорага сафарга жўнатилиб, жомеъ масжидларининг безатилиш услубларидан нусха олди. Шундан кейин лойиҳа рус императори томонидан шахсан маъқулланди.

Энди қурилишга киришса ҳам бўлар эди. Бироқ, император бадиий академияси масжид қурилиши учун рус пойтахтининг қоқ маркази Петропавловск қалъяси, Буюк Пётр уй-музейи ва Муқаддас Троица черкови оралиғидаги майдон ташлангани учун бунга монелик қилди. Академиклар мусулмон масжидининг бўлажак муҳташам биноси ўз салобати билан мазкур иншоотларнинг улуғвор кўринишига салбий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблашар эди. Масала рус императоригача етиб бориб, Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг қатъий талаби билан масжиднинг жойи ўзгаришсиз қолдирилди.

Энди қурилишга киришса бўлар эди. Аммо, бунинг учун камида 500 000 рубл маблағ керак эди. Масжид қурилиши ташкилий кўмитасига бинокорлик харажатлари учун император олий ҳазратларининг рухсати билан Россия империяси худуди бўйлаб мусулмон жамоаларидан 750 000 рубл миқдоридаги хайрия маблағларини ўн йил мобайнида тўплаб олишга рухсат берилди. Масжид қурилишининг бошланиши учун Бухоро амири Абдулаҳадхон ҳукмонлигининг 25 йиллиги муносабати билан рус пойтахтига ташриф буориши санаси белгиланди.

Санкт-Петербургга етиб келган Абдулаҳадхон 1909 йилнинг 10 февралида чор ҳукуматининг раҳбарлари, Москва, Кронштадт, Кавказ мусулмонлар жамоалари, пойтахт жамоатчилиги вакилларининг иштирокида ўтган тантанали йиғилишида гулдурос олқишилар остида масжид пойдеворига дастлабки мармар ғиштларни қўйиб, кумуш белкуракча билан устини сувади. Шундан кейин сўз олган Баязитов Санкт-Петербургдаги масжид Лондон ва Париждаги саждагоҳлардан ҳам маҳобатли бўлишига амир ҳазратларини ишонтириди. Бухоро ҳукмдори ва рус мусулмон жамоалари аъзолари бўлажак масжид майдонида ташланган жойнамозлар устида чўккараб, шукrona намозини ўқишиди. Тантана иштирокчилари шарафига зиёфат берилди.

Шундан кейин Бухорага қайтган Абдулаҳадхон кўп ўтмай вафот қилиб, ўрнига Санкт-Петербургда таълим олган ўғли Мирсайид Олимхон таҳтга кўтарилди. У ҳам масжид қурилишини доимо назорат остида сақлади. Изғирин қиши палласида кўтарилаётган деворларни тез қуритиш учун маҳсус иссиқлик кондиционерлари ишлатилди. 1911 йил февралига келиб, масжид деворлари кўтарилиб, томи ёпилди ва саждагоҳни сирли кошинлар билан қоплашга киришилди. Бундай кошинларни тайёрлаш учун Гатчина яқинида маҳсус устахона яратилиб, рассом М. М. Максимов ва кошинкор П. К. Ваулин раҳбарлигида маҳсус хумдонларда Самарқанддаги Жомеъ масжиди ва Гўри Амир мақбарасини сайқаллашда ишлатилган кошинлар пиширила бошланди. 1913 йил бошига келиб бинони ташқи томондан кошинлар билан безатиш поёнига етиб, масжиддаги иститишиш тармоғи ишлай бошлади. Рус ҳукумати масжидда пардоzlash ишлари ҳали поёнига етмаганига қарамай Романовлар сулоласи ҳукмонлигининг 300 йиллиги тантаналарига келаётган Бухоро ва Хива ҳукмдорлари, бошқа мусулмон

маблакатларининг вакиллари иштироқида масжиднинг очилиш маросимини ўтказишга қарор қилди. Натижада 1913 йилнинг 21 феврал куни Бухоронинг Петербургдаги масжидида Амир Олимхон иштироқида жума намози ўқилди. Бухоро хукмдори рус императорига масжид қурилишига ҳомийлик қилгани учун миннатдорчилик изҳор қилди.

Россия Фанлар академиясининг дин тарихи бўлимидағи ҳужжатларнинг далолат беришича, масжид биносини безаш ва уни жиҳозлантиришишлари 1917 йил октябрдаги рус инқилоби ва ҳатто ундан кейин ҳам давом этган. Шўро ҳокимияти 1920 йилнинг баҳорида Рамазон ойи муносабати билан масжидни ибодат учун очишга рухсат берган. Бундан хабар топган Бухоро амири Сайид Олимхон жомеъ масжиди марказий ибодатхона зали учун 400 квадрат метр майдонни қопладиган қадимий гиламни жўнатди. Сайид Олимхон тўрт ой ўтар-утмас худди мана шу ҳокимият Бухорони босиб олиб, уни дарбадар қилишини ҳали билмас эди, албатта.

Петербурглик мусулмонларнинг жомеъ масжидидаги тоат-ибодати узоқча чўзилмади. 1923 йил кузида масжиднинг энг фаол аъзоларидан бир гуруҳи қамоқقا олиниб, отиб ташланди, саждагоҳ мулки бўлган қимматбаҳо жиҳозлар эса мусодара этилди. Шундан кейин кўпчилик мусулмон фуқаролари ҳаётларидан хавотирда масжиддан оёқларини уздилар. 1940 йил ёзида масжид ёпилиб, тиббий ускуналарни сақлаш мақсадида омборхона сифатида Ленинград шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ихтиёрига берилди.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин петербурглик мусулмонлар жомеъ масжидини қайтадан очишини сўраб, шўро ҳокимияти раҳбарларига кўплаб маротаба мурожаат этишди. Охири бу масалани ҳал қилишга халқаро жамоатчиликни жалб этишди. Ўтган асрнинг 50-йилларида совет ҳокимияти олдида катта обрў-эътиборга эга

бўлган Ҳиндистон бош вазири Жаваҳарлал Неру, Индонезия Президенти доктор Сукарно шу масала бўйича Никита Хрушчёвга мурожаат этишди. Шундан кейин масжид яна очилиб, Петербург мусулмонлари жамоаси ихтиёрига топширилди. Бироқ, Бухоро амирининг совғаси бўлган улкан гилам ва бошқа ноёб ашёлар қайтариб берилмади.


* * *

Раҳматлик падари бузрукворим бу воқеадан ярим аср ўтганидан кейин (2008 йил июнь ойида) Санкт-Петербургга қилган сафарларини мана шу қутлуғ даргоҳдан бошлаганлар. Эрта тонгда поезддан тушиб, Нева дарёси бўйига шошилганларида Троицк қўпригининг ўнг томонида гумбаз ва минораларидаги зангори кошинларини Күёшнинг ilk нурларида ялтиратиб турган ушбу масжид қўприкнинг чап қанотидаги Петропавловск собори билан бўй талашиб турган эди.

Масжиднинг қибла томонига қараган дарвозаси пештоқидаги кошинкор нақшу намолар Самарқанддаги Шоҳи Зинда хазираларига жуда ўхшаш. Унинг гумбази эса Гўри Амир мақбарасидан нусха олинган. Масжиднинг мармар тошлардан кўтарилиган деворлари ва улардаги улкан деразалар эса Адриатикадаги саждагоҳларга жуда ўхшаб кетади. Масжид узра қад кўтартган миноралар шакли ҳам Туркиядаги саждагоҳларни эслатади.

Масжиднинг ҳовлисидан ибодатхонага қадам кўйсангиз, унинг ер остидаги залига ҳам, марказий залига ҳам, иккинчи қаватда хотин-қизларга ажратилган залга ҳам кириш мумкин. Уларнинг бариси кошинкор безаклар билан пардозланган. Барча залларда шифтга осилган қандилларга тилла суви югуртирилган. Иккинчи қаватдаги хотин-қизлар зали ёғочдан ясалган бежирим панжара билан бегона назарлардан ёпилган.

Қани энди масжид деворига мармар лавҳа осилиб, унинг қурилиши тарихи қисқача баён этилса...



Нақибандия тариқатининг Бухородаги етти пири яратган бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани мукаммал ўрганиши, одамларга, ёшлирга осон тилда етказили керак. Мақсадимиз – ёшлирамиз ўзимизнинг алломаларга эргашин, меросини билсин, улар билан фахрлансин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Хаттот Мир Али Ҳиравий
Фатҳободий (вафоти – 1554) Мир Араб
мадрасаси қурилган йили ҳақида
шундай чиройли таърих ёзган:

Үқилиши:
**Мири Араб, фахри Аҷам он, ки соҳт
Мадрасаи олии, бас, бул-аҷаб!
Бул-аҷаб он аст, ки таърихи ў:
“Мадрасаи олии Мири Араб” 942.**

Таржимаси:

Арабларнинг амири, Аҷам ҳалқларининг фахри бўлмиш Мир Араб ҳазратлари ажойиб ва таажжубга қоларли олий мадраса бино қилдилар. Ажойиблиги шундаки, унинг қурилиш таърихи ҳам “Мадрасаи олии Мири Араб” сўзларидан чиқади.

Абжад ҳисобида бу 942 га teng бўлиб, у мадраса қурилишининг хижрий санасини билдиради. Милодий 1535 йилга тўғри келади. Демак, хижрий йил ҳисоб-китобига қўра, Мир Араб олий мадрасаси қурилганига 500 йилдан ошди. Чунки, ҳозир – хижрий 1445 йил.

